



**ЖАЛАҚУДУК ТУМАН ХАЛК ТАЪЛИМИ БҮЛИМИГА КАРАШЛИ
62-ДИУМ БИНОСИНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ
ЛОЙИХА СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН**

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Жалақудук туман - 2022 йил

Танлов хужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йўрикнома

П. Техник кисм

III. Нархлар кисми

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИКНОМА 1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА
ТАХМИНИЙ ҚИЙМАИ**

1. Танлов предмети: Жалақудук туман Халк Таълими бўлимига карашли 62-ДИУМ биносинида фаоллар зали қуришишларига лойиха хужжатларини тайёрлаш .

1.2. Танловнинг юкори киймати— 30000000 (уттиз миллион) сўм. Ушбу кийматдан ортиқ кийматдаги таклифлар кабул килинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник кисмida илова килинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиккан бажарувчи такикшот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати: ғолиб бўлган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуксон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.

1.5. Ишларни бошлаш муддати — аванс маблағи Ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Жалақудук туман Халк Таълими Бўлни (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) — танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили . • Жалақудук туман Дилхуш кўчаси 25-үй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов Жалақудук туман Халк Таълими Бўлни “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танлов мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида З йил тажрибага эга бўлган барча юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар кўйилади:

танлов предмети ишлар(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; объектнинг мураккаблик даражасига караб, "лицензия" ва "гувохнома" .684-Конун 13-моддатига риоя этилиши шарт

- Моддий-техника базаси хамда ташкилотнинг оргтехника рўйхати ускуналар
- Бахтсиз ходисалар бўлган вазиятларда ишчи ходимларнинг хаёти суғурталанганилиги
- Техника хафсизлиги коидаларига риоя килиш талаблари хамда йўрикномалари
- Ишчи ходимларнинг диплом нусхалари, меҳнат дафтарчалари ёки mehnat.uz сайти оркали рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги жужжат
- Бажарилган ишларга бериладиган кафолат муддати
- Шу соҳада олдин килинган ишлари бўйича буюртмачилар берган тавсифномалари

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) бажариш билан боғлик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:
кайта ташкил этилиш(ажралиши, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;
молмулки мусодара килинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. Танлов хужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:

Техник кисм, "Буюртмачи" томонидан куйилган техник талабларни ва бажариладиганиш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

Нархлар кисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва яқуний тўловлар ва бошка боғлик кўрсаткичлар кўрсатилен бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва муҳри билан тасдикланган холда ёки хар бир варогини муҳрлаб тасдиклаган холда тақдим этишлари лозим.

4.3. Куйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича куйидаги таклифлар:

Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова килинади);

Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова килиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчиси:

факат битти таклиф бериши мумкин; тақдим этилаётган хужжатларнинг хакикийлиги ва маълумотларнинг хакконийлигига тўлиқ жавобгар бўлади; таклифлар бериш муддати тугагунга кадар ўз таклифларини кайтариб олиш ёки ўзгартириш қиритиш хукукига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни кабул килиш муддатини барча иштирокчилар учун таълукли холда эълон килинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши факт харид комиссияси йиғилиши карори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш туғрисидаги карор маҳсус ахборот порталаида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари туғрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2.Харид комиссияси давлат харидлари бўйича конунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган карор кабул килиш бўйича мажбурдир.

6.3.Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирочи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан Ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7.БОШКА ШАРТЛАР

7.1 .Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига Ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин карор кабул қилишга хакли. Товарни (ишни, хизматни) Узгартиришга йўл кўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига Узгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилаган ахборот Узгартирилган бўлса, танлов Утказиш тўғрисидаги эълонга Узгартириш киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга хами. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини Узгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чикиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кўчирма у имзолаган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси такливларни кўриб чикиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни татим этиш тўғрисида сўров юборишга хакли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.